

ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

UIF: 6.1

SJIF: 5.7

SIS: 1.2

Cite Factor: 0.89

ASI-Factor: 1,3

2023/01

VOLUME 4

SPECIAL ISSUE 1



*We increase scientific
potential together!*

ARES.UZ

Exact Sciences
Natural Sciences
Technical Sciences
Pedagogical Sciences
Medical Sciences
Social and Humanitarian Sciences



CONTENTS

25. Султанова, Н. С. (2023). АНАЛИЗ ПИЩЕВОГО ПОВЕДЕНИЯ У ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ВИДА ВСКАРМЛИВАНИЯ И ПРИНЦИПОВ УХОДА (С ПРИМЕНЕНИЕМ МЕТОДИКИ DEBQ). *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 165-170.
26. Каримов, М. Ю., Иноятова, Ф. Х., & Гулямов, Ё. Б. (2023). ОСОБЕННОСТИ АКТИВНОСТЬ НО-СИСТЕМЫ В СИНОВИАЛЬНОЙ ЖИДКОСТИ И ЕЁ ВЗАИМОСВЯЗЬ С КЛИНИЧЕСКИМИ СИМПТОМАМИ У БОЛЬНЫХ АРТРОЗАМИ И АРТРИТАМИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 171-179.
27. Файзиев, Н. Н., Маллаев, Ш. Ш., Султанова, Н. С., & Бобомуратов, Т. А. (2023). ИЗМЕНЕНИЯ В СИСТЕМЕ ГЕМОСТАЗА У ДЕТЕЙ С ПНЕВМОНИЕЙ И ОПТИМИЗАЦИЯ ИХ ЛЕЧЕНИЯ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 180-187.
28. Файзиев, Н. Н., Маллаев, Ш. Ш., Султанова, Н. С., & Бобомуратов, Т. А. (2023). НОВЫЙ ВЗГЛЯД ТЕЧЕНИЯ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 188-192.
29. Sharipova, D. J. (2023). IDENTIFICATION OF THE CHARACTERISTIC FEATURES OF THE ZINC DEFICIENCY IN CHILDREN WHO HAVE UNDERGONE COVID-19 DISEASE. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 193-195.
30. Худайберганаева, Н. Х., & Ахмедова, И. М. (2023). ТЕЧЕНИЕ ХРОНИЧЕСКОЙ ГАСТРОДУОДЕНАЛЬНОЙ ПАТОЛОГИИ У ДЕТЕЙ И ИНФЕКЦИЯ HELICOBACTER PYLORI. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 196-205.
31. Ходжамова, Н. К., & Исмаилова, М. А. (2023). ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ НЕОНАТАЛЬНОГО ПЕРИОДА У НОВОРОЖДЕННЫХ С ВРОЖДЕННЫМИ ПОРОКАМИ РАЗВИТИЯ ВЕРХНИХ ОТДЕЛОВ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 206-212.
32. Назарова, М. Б., & Адилбекова, Д. Б. (2023). ИЗУЧЕНИЕ МОРФОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПЕЧЕНИ ПОТОМСТВА, РОЖДЕННЫЕ В УСЛОВИЯХ ХРОНИЧЕСКОГО ТОКСИЧЕСКОГО ГЕПАТИТА У МАТЕРИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 213-219.
33. Nazarova, M. B., & Adilbekova, B. D. (2023). STUDY OF THE MORPHOLOGICAL CONDITION OF THE LIVER OF THE CHILD BORN IN THE CONDITIONS OF CHRONIC TOXIC HEPATITIS. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 220-224.
34. Авезова, Г. С., & Файзуллаев, Т. С. (2023). ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ: УНИНГ ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 225-230.
35. Авезова, Г. С. (2023). АЛКОГОЛИЗМ - КАК СОЦИАЛЬНО-ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(Special Issue 1), 231-236.



ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ: УНИНГ ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Гулойим Саттаровна Авезова
Тожиддин Сулаймонович Файзуллаев
Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий малакаларни шакллантириш уларнинг мустақил ўрганиш, муаммони ҳал этиш, ва ижодий ёндашиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусиятларга таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва билим олишдаги фаолиятини фаоллаштириш орқали эришилади. Таълим олувчи мустақил ва ижодий фаолиятда ҳодисаларни кузатиш, таққослаш, бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаш, умумлаштириш каби хусусиятлар орқали кўзланган мақсадига эришиши мумкин. Демак фанларни ўқитишда ҳам таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, у энг аввало ақлий ва онгли муносабат натижасида юзага келади.

Калит сўзлар. Таълим, кредит модул тизими, олий таълим, шахсга йўналтирилган таълим.

ABSTRACT

In modern educational conditions, it is important to develop professional skills of future specialists, to develop their independent learning, problem solving, and creative approach skills. These characteristics are achieved by developing independent thinking skills of learners and activating their activity in learning. The learner can achieve his intended goal by observing, comparing, identifying different aspects of events, and generalizing in independent and creative activities. Therefore, even in the teaching of subjects, the activity of learning and acquiring knowledge of students is not active by itself, it first of all occurs as a result of mental and conscious attitude.

Keywords. Education, credit-module system, higher education, student-oriented education.

КИРИШ

Олий таълим тизимида юқори сифат ва самарадорликка эришиш энг аввало таълим жараёнининг қандай ташкил этилганлиги, ўқув-услубий ишларнинг замонавий талабларга қай даражада жавоб бера олиши билан баҳоланади. Республикамизда 2023 йилга «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб ном берилиши, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг изчил давом этаётганидан дарак беради. Дарҳақиқат, таълим тизимини доимо ислоҳ этиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Олий тиббий таълим жараёнига кредит модул тизимни жорий этишнинг асосий талабларидан бири талаба (шахс)га йўналтирилган таълимни ташкил этишдир. Бу таълим тизими талабаларда мустақил фикрлаш, ўз билиминини бошқалар билан улашиш, ўзи учун ўзи қарор қабул қила олиш салоҳиятларини шакллантиришга йўналтирилади. Таълим жараёнинини ташкил этиш - идеал ва амалий педагогик фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилишидир, бу ўз навбатида таълим усулларини ва мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим олиш жараёни инсондаги мотивлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг моҳияти инсон хулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи тушунчалари орқали ифодаланади. Мотивация хулқ-атворни психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббускорлик, йўналганлик, ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш киради. Таълим жараёнида ўқиш мотивлари "нима учун?", "нимага?", "қандай мақсад билан?" каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан, ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан, мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради.

Дунёнинг илғор университетларида талабаларни ўқитишнинг тан олинган усули бу шахсга йўналтирилган таълим технологиялари орқали ўқитишдир. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларига Муаммоли таълим, Модул таълими, Дастурий таълим, Ривожлантирувчи таълим, Ўйин технологиялари, Интерфаол таълим, Ҳамкорлик таълими, Табақалаштирилган таълим, Компьютер таълими, Масофавий таълим, Индивидуал таълим, Инновацион таълим киради.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади – таълим олувчиларда билим, кўникмалар ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир. Шунинг учун, таълим усули, воситаси ва шаклини танлашда энг асосий омил бўлиб аниқ ўқув машғулотининг мақсади ва вазифаси хизмат қилади.

Таълим воситаларига қуйидагилар киради:

✓ Коммуникатив воситалар: *Педагог нутқи* (саводли, сўз бойлиги, образлилиги); *Нутқ техникаси*: интонация, тембр, темп, диапазон, дикция, пауза, тон (оҳанг); *Вербал таъсир* – сўз орқали; *Новербал таъсир* – сўзсиз (мимика, пантомимика, жестлар, визуал контакт);

✓ Кўргазмали воситалар: расмлар, иллюстрациялар, схемалар, плакатлар, диаграммалар

✓ Дидактик воситалар: Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар, Услубий қўлланмалар, Тарқатма материаллар, Карточкалар

✓ Техник воситалар: Компьютер, Планшет, Телефон, Видеопроектор, Экран, Слайд-тақдимот, Аудио ва видеоматериаллар, Мультимедиялар Тренажёрлар Доска (оддий, маркерли, флипчарт); Лаборатория ускуналари, жиҳозлар, асбоблар, анжомлар, симуляторлар.

Ҳозирги педагогика амалиётида таълим шакллариининг 10 дан ортиқ турлари мавжудлиги эътироф этилади. Ушбу таълим шакллариини таълим жараёнига татбиқ этишда турли ёндашувлар ва усуллар мавжуд. Аммо бугунги замонавий таълим талабаларни таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган фаол шакллариини қўллашни талаб этади.

Шуни эътиборга олиш керакки, фаол ўқитиш шаклини танлаш нафақат таълим мақсадига, балки ўқув материали мазмунига ҳам боғлиқ бўлади. Фаол таълим шакллариини мақсадли йўналтирилган танлаш белгиланган ўқув мақсадга эришишни кафолатлайди.

Фаол усулни танлашда унинг самарадорлик даражасини эътиборга олиш ҳам аҳамиятга эга. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқув материали оғзаки баён этилганда талабалар маълумотнинг 5-10 % ни эслаб қоладилар. Ўқув адабиётларидан мустақил ўқиш, маълумотнинг 10-15 % ни, кўргазмали материаллар эса маълумотларнинг 20-25 % ни ўзлаштиришга имкон беради. Амалий усуллар энг самарали усул ҳисобланиб, талабалар онгида маълумотнинг 75%и сақланиб қолади. Лекин, ўқув-материаллариини талабалар томонидан мустақил ўрганиш, амалий машғулотлариини мустақил бажариш методлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 % билим ўзлаштирилади ва кўникма шаклланади. Демак, талабаларни мустақил ўрганиш, изланиш, муаммоларни

мустақил ечиш, амалий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган инновацион усулларни қўллаш яхши самара беради.

Ўқитиш жараёнида гуруҳдаги талабалар сони муҳим аҳамиятга эга. Агар гуруҳда талабалар кўпчилик бўлмаса, энг фаол методдан фойдаланиб, ўқитишни ташкил этиш мумкин. Агар талабалар кўп бўлса, фаол методлардан фойдаланиш яхши натижа бермаслиги мумкин. Талабаларнинг ҳар бири билан ишлаш учун вақт етишмайди.

Баъзи фаол методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қилинмайди, аммо махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиладиган фаол методлардан фойдаланмоқчи бўлсак, у ҳолда дидактик таъминотни амалга оширишимиз керак. Таълим шакллари танлашда ўқув гуруҳидаги таълим олувчиларнинг сони муҳим аҳамиятга эга. Катта гуруҳлар учун ўқув материални оғзаки баён қилиш усуллари (маъруза, ҳикоя, тушунтириш) кўпроқ мос келади.

Ўқитишнинг инновацион усуллари танлашда таълим олувчиларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олиш жуда муҳим: ёши, тайёргарлик даражаси, ҳамда жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш қобилиятини эътиборга олиш муҳимдир. Дастурнинг ёки ўқув курси мавзуларининг давомийлиги табиийки, таълим усулини танлашга таъсир кўрсатади. Уларнинг баъзилари талабаларни тайёрлашга қанча кўп вақт талаб қилса, бу фаолиятни бажарилишига ҳам шунча вақт талаб қилади. Таълим муддати шунчалик чегараланган бўлиши мумкинки, кўп вақт талаб қиладиган методни сиз ўйлаганчалик тез-тез ишлатиш имконини бермайди, бу ҳолда бу методларни фақат мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллашингиз мумкин.

Вақт – у ёки бу усулни амалга оширишга кетган меҳнатингиз нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Баъзи методлар сиздан бошқаларга нисбатан кўпроқ тайёргарликни талаб қилади. Шунинг учун бундай усулларни қўллашни режалаштираётиб, сиз фаолиятни ташкил қилишнинг ушбу методини амалга оширишни тайёрлашга вақт ва куч етарлими, деб ўзингизга савол беришингиз керак. Баъзи методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қиланмайди: компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнит доскаси, махсус жиҳозланган хона. Агар сиз, махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиладиган методлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг етарли эканлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Усулларни танлашнинг асосий қоидаси бу – белгиланган мақсадга эришишга йўналтирилган мавзуга мос, юқори натижа берадиган тежамкор усулни танлашдан иборат.

ХУЛОСА

Шахс (талабага)га йўналтирилган таълимда таълим олувчилар ўқув материаллини ўрганиш муҳимлигини онгли равишда тушуниб етишлари, шунингдек самарали ўзлаштириш учун уларда хоҳиш-истак, қизиқиш ва ишонч бўлиши керак.

Талабага йўналтирилган таълимда ўзлаштирилган билим, эгалланган кўникма ва малакалар мазмунан тизимли ва мантиқан тугалланган тарзда шакллантирилиб турли вазиятларда қўллаш ва таълим олувчиларни мустақил ўрганиш қобилиятларини ривожлантириш имконини беради.

REFERENCES

1. Нажмутдинова Д. Қ. ва бошқ. Муаммога асосланган ўқитиш. Услубий қўлланма. Тошкент 2010. 24 бет
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т., 2006.
3. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. –Т., 2014
4. Мирсолиева М., Ибрагимова Г. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат. –Т., 2015.
5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан, 2005.
6. Қосимова З. Таълим технологиялари. –Т.: Тафаккур қаноти, 2014.
7. Sultanova, N. S., Bobomuratov, T. A., Mallaev, S. S., & Xoshimov, A. A. (2022). THE ROLE OF BREASTFEEDING IN THE PSYCHO-SOCIAL ADAPTATION OF CHILDREN IN SOCIETY. *British Medical Journal*, 2(6).
8. Bobomuratov, T. A., Nurmatova, N. F., Sultanova, N. S., Mallaev, S. S., & Fayziev, N. N. (2022). Brestfeeding and Genetic Features of Juvenile Rheumatoid Arthritis. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 1983-1988.
9. Mallaev, S., & Alimov, A. V. (2020). CLINICAL COURSE OF JUVENILE RHEUMATOID ARTHRITIS AND ITS TREATMENT OPTIMIZATION. *Новый день в медицине*, (4), 155-157.
10. Султанова, Н. С., Бобомуратов, Т. А., Маллаев, Ш. Ш., & Хошимов, А. А. (2022). Современный взгляд на грудное вскармливание и его значение для здоровья матери и ребенка.
11. Бобомуратов, Т., Султанова, Н., Бакирова, М., & Самадов, А. (2021). Соматический статус детей в зависимости от вида вскармливания и принципов ухода до пубертатного возраста. *Электронный инновационный вестник*, (1), 37-38.

12. Bobomuratov, T. A., Sultanova, N. S., Sagdullaeva, M. A., & Sharipova, D. J. (2021). Effects of Long Term Breastfeeding on Development and Health of Children. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2243-2250.
13. Sultanova, N. S. (2016). Obesity role in development of psycho-emotional violations at children with different types of feeding. In *IX international Conference Sharing the Results of Research Towards Closer Global Convergence of Scientists».*– Montreal (pp. 66-68).
14. Avezova, G. S., & Kosimova, S. M. (2017). Frequently ill children: prevalence and risk factors. *European Research*, 5(28), 79-80.
15. АВЕЗОВА, Г. С., & КОСИМОВА, С. М. (2017). Часто болеющие дети: распространенность и факторы риска. *European research*, (5 (28)), 79-80.
16. Mamatkulov, B. M., & Avezova, G. S. (2015). Congenital anomalies as a cause of childhood disability (according to the materials of Tashkent, Uzbekistan). *Nauka mo-lodykh (Eruditio Juvenium)*, 3(2), 110-15.

